



Намозда бажариш фарз бўлган амаллардан бири кироатдир. Кироат лугатда «ўкимок» маъносини англатади. Истилоҳдаги маъноси тўғрисида икки хил таъриф келган:

1. Кироат – ўқувчининг харфларни ўзи эшитадиган даражада тўғри талаффуз килишидир.
2. Кироат – ўқувчининг харфларни агарчи ўзи эшитмаса-да тўғри талаффуз килишидир.

Кироатнинг таърифидаги фаркка кўра намоз ўқувчи талаффузини ўзи эшитиши шартми ёки ўзи эшитмаса ҳам ўқигани кироат ҳисобланадими, бу тўғрисида ихтилоф килинган. Хиндувоний ва Фазлий (рахматуллоҳи алайҳимо)лар: «Ўқувчининг ўзи эшитмайдиган даражада харфларни талаффуз килиши кироат ҳисобланмайди. Чунки каломдан факат фахмланган нарса эмас, балки фахмланиб эшитилган нарса тушунилади», деганлар. Кархий(рахматуллоҳи алайх): «Ўқувчи харфларни тўғри талаффуз килса, агар ўзи эшитмаса ҳам, кироат ҳисобланаверади. Зеро, кироат тил билан харфларни талаффуз килишдир, эшитиш эмас. Чунки эшитиш кироат килувчига эмас, эшитувчига тааллуқли ишдир», деган.

Шайх ибн Хумом бу масалани куйидагича таҳкик килган: «Кироат тилнинг феълидир. Тилнинг феъли бўлган калом харфлар билан юзага келади. Харфлар эса овоз билан тилга олинадиган шакллардир. Шунинг учун харфларни овозсиз талаффуз килиш харфларнинг ўзи эмас, балки махражларнинг мушаклари билан харфларга ишора килиш ҳисобланади. Шунга кўра кироат харфларни ўзи эшитадиган даражада талаффуз килишни такозо килади».

Ушбу таҳкиқдан ўқувчининг харфларни ўзи эшитадиган даражада талаффуз килиши кироат саналиши тушунилади. Шунингдек, бу масаладан талок, олди-сотди, саждаи тиловат каби нутқка тааллуқли бўладиган ҳукмлар ҳам кишининг ўзи эшитадиган даражада талаффуз килишига боғлиқ экани англанади.

Ханафий мазхабида ихтиёр килинган кироат

«Фукахолар мутлак мутавотир кироатлар билан намоз жоиз бўлишига иттифок килганлар. Ханафий мазхабида Абу Амр ва Хафсларнинг Осимдан килган ривояти ихтиёр килинган».

Кироат ва тиловат орасидаги фарк

Тиловат сўзи ҳам кироат маъносида ишлатилади, аммо кироат ва тиловат орасида фарк бор бўлиб, бу хакида Абу Хилол (рахматуллохи алайх) шундай ёзган: «Тиловат икки ва ундан ортик калималарни ўқишга нисбатан ишлатилади. Кироат эса битта калимани ўқишга нисбатан ишлатилади».

Куръондан муяссар бўлганча ўқиш

Куръони Каримдан муяссар бўлганича ўқиш амр килинган:

□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□□□

Бас (энди), Куръондан муяссар бўлганича ўқинглар.

«Ушбу буйруқдан намоздаги холат ирода килинган». Яъни бу буйруқдан намозда Куръондан муяссар бўлганларингча ўқинглар, маъноси тушунилади. Фотиha сураси ўқилса ҳам, зам сураининг ўзи ўқилса ҳам, кироат собит бўлади. Шунга кўра аввалги икки ракъатда кироат килиш мутлак фарз, Фотиha ва зам сурани ўқиш эса вожиб саналади.

Бурхониддин Маргиноний (рахматуллохи алайх) мазкур оятдаги буйруқ хакида шундай деган: «Бир оятдан ками бу нассининг тахтига кирмайди. Чунки мутлак баён килинганда баён килинган нарсанинг тўлиги тушунилади. Бинобарин, бир оятдан кам ўқиш билан кироат килувчи эканига жазм килинмайди».

Кироат микдори

Ханафий мазхабига кўра кироат фарз килинган хар бир ракъатда учта киска ёки шу микдоридан битта узун оят ўқиш фарз ҳисобланади. Чунки энг камида шу микдорда ўқилмаса, урфда унга кироат килувчи дейилмайди.

Битта калимани кироат килиш жоиз бўладими?

Намоз ўқувчи битта калимадан иборат бўлган оятни ўқиса, ўқигани кироат ҳисобланиши ё ҳисобланмаслиги тўғрисида ихтилоф килинган. Масалан: □□□□□□□□□□□□□□□□ оятининг ёлғиз ўзини ўқиш кироат фарзлигида жоиз бўлиши хакида ихтилоф килинган. Уламолар саҳих кавлга кўра бу оятнинг ёлғиз ўзини ўқиш жоиз бўлмайди, деганлар.

Битта оятни бўлиб ўқиш мумкинми?

Битта узун оятни икки ракъатга бўлиб ўқиса, биринчи ракъатга ярмини, иккинчи ракъатга колган ярмини ўқиса, уч киска оят микдоридан кўп бўлгани учун кироат ҳисобланадими ёки тўлик бир оят ўқилмагани учун кироат ҳисобланмайдими – бу хакида ихтилоф килинган. Абу Ханифа (рахматуллохи алайх)нинг кавлларида кўра бундай ўқилган намоз жоиз ҳисобланади. «Имомайн»ларнинг кавлларида кўра ҳам уч киска оятдан зиёда бўлгани эътиборидан намоз жоиз бўлади. Чунки бу ерда хақиқат эътиборидан ҳам, урф эътиборидан ҳам мазкур микдорда ўқиган киши кироат килувчи ҳисобланади.

Аммо учта киска ёки шу микдордаги битта узун оятни ўқиш намоз жоиз бўлиши учун лозим бўладиган энг кам микдор ҳисобланади. Шунинг учун ушбу энг кам микдор билан кифояланиш макрух бўлади.

Нафл намозлардаги кироат

Нафл намозларнинг барча ракъатларида кироат килиш фарз ҳисобланади. Чунки нафл намозларда барча ракъатлар кироат борасида бир-бирига тенг ҳукмда бўлади.

Витр намозидаги кироат

Витр намозининг барча рақхатларида кироат килиш фарз ҳисобланади. Чунки витр

намозининг суннат намозга ҳам, фарз намозга ҳам ўхшашлик жихати бор. Фарз намозга ўхшаши жихатидан факат аввалги икки ракъатида кироат килиш лозим бўлса, суннат намозга ўхшаши жихатидан барча ракъатларида кироат килиш лозим бўлади. Шунинг учун эҳтиёт юзасидан витр намозининг барча ракъатларида кироат килиш фарз дейилган. Зеро кишининг зиммасида бўлмаган нарсани эҳтиётан адо этиб қўйиши, зиммасидаги нарсани тарк қилиб қўйишидан афзалдир.

Фарз намозлардаги кироат

Икки ракъатли фарз намозларида ҳар икки ракъатда ҳам кироат килиш фарз ҳисобланади. Тўрт ракъатли фарз намозларда умумий икки ракъатида кироат фарз ҳисобланади. Ушбу кироатни аввалги икки ракъатда килиш вожиб саналади. Кудурий (рахматуллоҳи алайҳ)нинг қарашларига қўра аввалги икки ракъатда кироат килиш афзалдир. Аввалги икки ракъатда кироат қилганидан сўнг қолган икки ракъатда кироат килиши, ё тасбех айтиши, ё уч тасбех айтиш микдорида сукут килиши орасида ихтиёрли бўлади. Аммо кироат килиши афзал бўлади. «Мухийт» китобида: «Охирги икки ракъатда факат Фотиҳа сурасини ўқиб қўйиш суннат бўлади», дейилган.

Намозда жаҳрий ва маҳфий кироатлар

Ханафий мазҳабида қўра имом жаҳрий намозларда жаҳрий ўқиши, маҳфий намозларда маҳфий ўқиши вожиб бўлади. «Имом жумъада, икки ғийда, бомдодда, шом ва хуфтоннинг аввалги икки ракъатида ўз вақтида ҳам, казо бўлиб қолганда ҳам жаҳрий ўқийди. Имом булардан бошқа пешин, аср, шомнинг учинчи ракъати ва хуфтоннинг учинчи, тўртинчи ракъатларини маҳфий ўқиши вожиб бўлади. Ёлғиз ўқигувчи эса имом жаҳрий ўқиши вожиб бўлган намозларда жаҳрий ва маҳфий ўқиш орасида ихтиёрли бўлади».

«Ёлғиз ўқигувчининг жаҳрий ўқиши афзал ҳисобланади. Чунки бундай адо этишда жамоатга ўхшаш жихати бўлади».

«Тунги нафл намозда кироат жаҳрийлик ва маҳфийлик орасида бўлгани афзал ҳисобланади».

«Мухтасарул виқоя» китобининг матнига қўра ёлғиз ўқувчига казо намозларда кироатни маҳфий килиши вожиб бўлади.

Имомга иктидо қилган кишининг кироати

Ханафий мазҳабида қўра имомга иктидо қилган киши жаҳрий ўқиладиган намозда ҳам, маҳфийсида ҳам мутлақо кироат қилмайди. Агар имомнинг оракисида кироат қилса, макруҳи таҳримий бўлади. Аммо саҳих қавлга қўра намози бузилмайди.

Кироатда хатога йўл қўйиш

Кироат намознинг қўра бўлгани тўғри кироатга алоқали илмларни ўрганиш ҳар бир мусулмон киши учун ўта муҳим ҳисобланади. Намоз ўқувчи кироатда хато қилса, намозининг жоиз бўлиши ё бўлмаслиги қай даражада хато содир этганига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам фикҳ китобларида бу масалага алоҳида боблар ажратилган. Қўрадаги масалалар ханафий мазҳабидаги мўътабар асарлардан бўлган «Фатавои Гиёсия» ва «Халабаи қабир» китобларининг ҳулосаларидир:

- Намоз ўқувчи кироатда «ташдид» ва «мад»ни ташлаб қетса, аммо оят маъноси ўзгармаган бўлса, намози бузилмайди.
- Намоз ўқувчи кироатда «ташдид» ва «мад»ни ташлаб қетса ҳамда бу сабабли оят маъноси ўзгариб қетадиган бўлса, аксар уламолар наздида намоз бузилади.
- Намоз ўқувчи кироатда вақф бўлмаган ўринда тўхтаса ёки иктидо бўлмаган ўриндан кироатни бошласа, аммо оят маъноси ўзгармаган бўлса, намози бузилмаслигига ижмоъ

килинган.

- Намоз ўқувчи кироатда вақф бўлмаган ўринда тўхтаса ёки ибтидо бўлмаган ўриндан кироатни бошласа ҳамда бу сабабли оят маъноси ўзгариб кетадиган бўлса, аксар уламолар наздида бунда ҳам намози бузилмайди. Баъзи уламолар наздида намози бузилади. Инсонларни машаккатга солиб қўйиш хавфи туфайли намоз бузилмаслигига фатво берилган.
- Намоз ўқувчи кироатда наът билан манъут орасини, сифат билан мавсуф орасини ажратиш қўйса, аксар уламолар наздида намози бузилмайди. Бунда инсонларни машаккатга солиб қўйиш хавфи туфайли намоз бузилмаслигига фатво берилган.
- Намоз ўқувчи кироатда бир калиманинг харфини бошка калимага қўшиб ўқиса, баъзи уламолар наздида намози бузилади. Аксар уламолар: намози бузилмайди, деганлар. Бу хақида баъзи уламолар: «Агар ўзи аслида тўгрисини билиб тилига шундай келиб колгани туфайли хато ўқиган бўлса, намози бузилмайди, аммо Куръонда шундай деган эътикод билан ўқиб юрган бўлса намози бузилади», деганлар.
- Намоз ўқувчи кироатда бир калиманинг бир қисмини ўқиганидан сўнг ўзи тўхтаса, ё давоми ёдидан кўтарилиб қолиб тўхтаса, ёдига тушган вақтда олдин ўқиганини ташлаб ўқиса, масалан: «Алхамду лиллахи» деб ўқимокчи бўлганда «Ал»ни ўқиб тўхтаб қолса-ю, кейин «хамду лиллахи» деб давом этса, баъзи уламолар наздида намози бузилади. Шамсул аймма Халвоний шунга фатво берган. Нажмиддин Насафийнинг қавлларига кўра бу масалада исм ва феъл орасида фарқ бўлади. Яъни исмда «ал»ни ўқиб колганини тарк қилса, намози бузилмайди. Аммо феълда баъзисини тарк қилса масалан «яшқурун» деб ўқимокчи бўлиб «яш» деб колганини ташлаб кетса, намози бузилади.
- Намоз ўқувчи кироатда бир оятнинг ўрнига бошка бир оятни ўқиб юборса, агар ўша оятда тўлиқ вақф қилган, сўнгра бошка оятдан бошлаган бўлса, гарчи маъноси ўзгарган бўлса ҳам, намози бузилмайди. Чунки бундай ўқиш бир оятдан бошка оятга ўтиш бўлиб қолади. Аммо вақф қилмасдан бир оятга бошка оятни улаб кетган бўлса, бунда маъно ўзгармаган бўлса, намоз бузилмайди. Агар маъно ўзгарган бўлса, омма уламолар наздида намози бузилган бўлади. Фахрул ислом Абулюср (рахматуллохи алайх) ҳам шу қавли ихтиёр қилган.
- Ибн Нуҷайм ханафий (рахматуллохи алайх) «Намоз ўқувчи □□□□□□□□□□ да ёки бошка ўринларда □ ни □ га алмаштириб ўқиб юборса, рожих қавлга кўра намози бузилмайди», деган.
«Мавсуъатул фикхия» китобида бу масалаларнинг таҳқиқи қуйидагича баён қилинган:
«Намоз ўқувчи кироатда хатога йўл қўйса, агар оятнинг маъноси бузилмайдиган даражада бўлса, намози бузилмаслигига фуқоҳолар иттифок қилганлар. Аммо маъноси бузиладиган даражада хато ўқиш сабабли намоз бузилиши ё бузилмаслиги тўгрисида ихтилоф қилинган. Агар ўқилган оятнинг маъноси қасддан ўқилса, қуфр бўладиган даражада хато бўлса, бу хақида ханафий мазхабида икки хил қараш айрилган:
1. Ханафий мазхабидаги олдинги уламоларнинг қарашларига кўра намози бузилади.
2. Ханафий мазхабидаги кейинги уламолари бўлган Мухаммад ибн Муқотил, Абу Наср Мухаммад ибн Салом, Абу Бакр ибн Саид Балхий Абу Жаъфар Хиндувоний, Абу Бакр Мухаммад ибн Фаъл ва Шамсул аймма Халвонийларнинг қарашларига кўра намози бузилмайди.
«Фатавои Хиндия» китобида бу хақида шундай дейилган: «Олдинги уламоларнинг қарашлари эҳтиёткорроқ йўлдир. Чунки қасддан бундай ўқиш қуфр бўлади. Қуфр бўладиган лафз эса Куръон бўлмайди. Кейинги уламоларнинг қарашлари эса кенгрок

олинган йўлдир. Чунки авом халк эъроблар орасини ажрата олмайди. Фатво кейинги уламоларнинг сўзига берилган» .

Аммо фатво маълум замон ва макон такозосига кўра берилган шаръий жавоб эканини, замон ва макон ўзгариши билан фатво ҳам ўзгариши мумкинлигини унутмаслик лозим. Хозирги кунимизда Куръонни ўрганиш имконияти узрга ўрин колдирмайдиган даражада жуда катта бўлгани сабабли олдинги уламоларнинг карашлари мўътабар хисобланади. Эътибор берадиган бўлсак, харфларни алмаштириб ўкилганда намоз бузилиши ё бузилмаслиги хакида бахс килинмоқда. Бундан араб алифбосидан бошка алифболарда ёзиб ёдланган оятларни кироат килиш умуман мумкин эмаслиги келиб чиқади. Чунки бошка бирор тилдаги харфлар араб тилидаги харфлар талаффузини ифодалаб бера олмаслиги инкор этиб бўлмайдиган хакикатдир. Куръони Каримнинг бир канча ўринларида унинг араб тилида экани баён килинган. Масалан:

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□

Албатта, Биз уни арабча Куръон килдик. Шоядки, акл юритсангиз .

Шу каби кўплаб оятларнинг маъносига кўра араб тилидан бошка харфларда ёзилган «сура ва оятлар» Куръон бўлмайди. Чунки Куръоннинг арабча эканини Аллох таолонинг Ўзи хабар берган. Фотиха ёки бирор киска сурани араб тилидан бошка алифбода ёзиб ёдлашга зарурат юзасидангина рухсат берилган. Яъни бу рухсат араб тилидан мутлако хабари йўқ инсон Исломни қабул килганда кироатни ўргангунича намознинг фарзини адо этиши учун маълум вақтгагина берилган рухсат хисобланади. Бундай холатдаги кишига зудлик билан намоз жоиз бўладиган даражада кироатни ўрганиши фарз бўлади. Мазкур заруратдан ташкари сура ва оятларни крилл алифбосида ё бошка алифболарда ёдлашга зарурат йўклиги туфайли рухсат берилмайди. Чунки зарурат юзасидан берилган рухсат, факат зарурат микдорида чегараланиши шаръий коидадир.

Кайсидир сура ё оятларни бирор намозга тайин килиб кўйиш

Кайсидир сура ёки оятларни, бирор намозга тайин килиб кўйиш макрух хисобланади. Чунки бунда колганларини ўқишдан кочиш юзага келади. Лекин ўзига енгил бўлгани учун, ё колганларини ўқиш ҳам баробар эканини билган холда Набий (алайхиссалом)нинг кироат килганларини табаррук киларок ўкиб юрса, макрух бўлмайди». Баъзи уламолар: «Шундан бошқасини ўкилса, намоз жоиз бўлмайди, деган эътикодда тайин килиб ўкилсагина, макрух бўлади», деганлар.

Сура ё оятларни такрор ўқиш

- Фарз намозда бир ракъатда битта сурани такрор ўқиш мутлако макрух хисобланади.
- Фарз намозида биринчи ракъатда ўкиган сурани иккинчи ракъатда такрор ўқиш эса макрух хисобланади. Аммо бошка сурани ўқишни билмаса, зарурат юзасидан макрух бўлмайди.

«Хулоса» китобида: «Такрор ўқиш суннатда келмаган, яъни Набий (алайхиссалом) бундай килишга буюрмаганлар, шунинг учун бу иш макрух хисобланади», дейилган.

- Нафл намозда битта сурани такрор ўқиш мутлако макрух хисобланмайди. Яъни бир ракъатда такрор ўқиса ҳам, иккинчи ракъатда ўқиса ҳам, макрух хисобланмайди. Чунки Набий (алайхиссалом)нинг тахажжуд намозида бир оятни такрор-такрор ўкиганлари ворида бўлган.

Иккинчи ракъатнинг кироатини биринчи ракъатдан узун килиш

- Фарз намозида иккинчи ракъатнинг кироатини биринчи ракъатдан узун килиш макрух бўлади.
- Нафл намозларда иккинчи ракъатнинг кироатини биринчи ракъатдан узун килиш

макрух бўлиши хакида уламолар ихтилоф қилганлар. «Мунятул мусоллий» китобида иккинчи ракатни биринчи ракатдан узун қилиш фарз намозларда ҳам, нафл намозларда ҳам макрух бўлади, дейилган. Ибн Фаршата «Мажмаъ»нинг шарҳида: «Фарз намозларда иккинчи ракатни биринчи ракатдан узун қилиш макрух бўлади, аммо нафлларда макрух бўлмайди», деган қавлни келтирган. Аммо учинчи ракат алоҳида шафъ (иккинчи жуфтлик) бўлгани учун унинг кироатини биринчи ва иккинчи ракатларнинг кироатидан узун қилиш макрух бўлмайди.

«Иккинчи ракатни биринчи ракатдан озгина узун қилиш макрух бўлмайди. Бир ё икки оятни зиёда ўқиш озгина узун қилиш бўлади. Аммо учдан ортиқ оятларни зиёда ўқиш ҳеч шаксиз макрух бўлади».

Битта сурани бўлиб ўқиш макрух эмаслиги

- Баъзи уламолар битта суранинг бир қисмини бир ракатда қолганини иккинчи ракатда ўқиш макрух бўлади, деган. Аммо жумхур уламолар: «Саҳих қавлга кўра бу иш макрух бўлмайди», дейишган. Бунга далил сифатида имом Насоий Оиша (розияллоху анҳо)дан Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг Аъроф сурасини икки ракатда бўлиб ўқиганлари хақидаги ривоятни келтирганлар.

- Баъзи уламолар: «Бир суранинг охирини бир ракатда ўқиб, иккинчи ракатда бошқа суранинг охирини ўқиш макрух бўлади, дейишган. Аммо жумхур уламолар: «Саҳих қавлга кўра бу иш макрух бўлмайди», деганлар. Шунингдек, биринчи ракатга бирор суранинг ўртасидан ё аввалидан кироат қилса, сўнгра иккинчи ракатга бошқа суранинг ўртасидан ё аввалидан ёки бирор қиска сурани кироат қилса, саҳих қавлга кўра, макрух бўлмайди, лекин заруратсиз бу ишни қилмаган афзал, деганлар.

Суралар тартибига эътибор бериш

- «Сураларни тартиби бўйича ўқиш вожиб бўлса ҳам, намоз ўқувчи тартиби билан ўқишни тарқ қилиши тўфайли унга ҳеч нарса лозим бўлмайди. Чунки сураларни тартиби бўйича ўқиш намоз вожибларидан бўлган аслий вожиб эмас».

- Биринчи ракатга кироат қилган сурасидан кейин иккинчи ракатга бир сура ташлаб кейинги сурани кироат қилиш макрух саналади. Шунга кўра агар орада икки ё ундан кўп оятлар бўлса, бир суранинг бошқа-бошқа жойидан ўқиш макрух бўлмайди. Аммо заруратсиз бундай қилмаслик афзал.

- Намоз ўқувчи кироатда ўқиётган жойидан бир сура ё бир оятни ташлаб кейингисини ўқиши макрух ҳисобланади. Чунки бунда ўша сура ё оятдан ўзини олиб қочиш ва ундан ўзгасини устун қўяётгандек ваҳм юзага келади.

- «Муҳийт» китобида: «Ёлғиз ўқиётган киши нафл намозида бир сурани қасддан қайта ўқиши макрух эмас, аммо фарз намозида макрух бўлади», дейилган.

- Иккинчи ракатга биринчи ракатда ўқилган сурадан юқоридаги сурани ўқиш макрух бўлади. Чунки бунда саҳобалар ижмоъ қилган тартибни тарқ қилиш юзага келади. Аммо бу ҳам қасддан ўқилса, макрух бўлади, агар унутган ҳолда бўлса, макрух бўлмайди. Бу масалалар «Фатавои Татархония» китобида баён этилган.

- Насафийнинг «Фатаво» китобида шундай баён қилинган: «Абул Фазл нафл намозда биринчи ракатга Масад сурасини, иккинчи ракатга ундан юқорида бўлган Наср сурасини кироат қилиш хақида сўралганида: «Агар қасддан шундай қилса, макрух бўлади, деган. Қози имом Абу Бакр эса фарз намозда макрух бўлади, нафлда макрух бўлмайди, деган».

- Орада иккита сурани ташлаб ўқиш макрух саналмайди. Чунки Жобир ибн Самура (розияллоху анху) Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг шом намозида биринчи

ракъатга Кафирун иккинчи ракъатга Ихлос сураларини зам килиб ўқиганларини ривоят қилган.

- Биринчи ракъатга Нас сурасини ўқиган бўлса, иккинчи ракъатга ҳам шу сурани такрор ўқиш лозим бўлади. Чунки такрор ўқиш тескари ўқишдан кўра энгилрок ҳисобланади. Баъзи уламолар бундай ҳолатда Бакарадан «алиф лам мийм»ни ўқисин, деганлар.

Жамоат намози кироати

Имом жамоат намозида куйидаги микдорда кироат қилиши афзал ҳисобланади:

- Бомдод ва пешин намозларида Хужурот сурасидан Буруж сурасигача бўлган суралардан ёки шу микдордаги оятларни кироат қилиш афзал ҳисобланади;
- Аср ва Хуфтон намозларида Буруж сурасидан Баййина сурасигача бўлган суралардан ёки шу микдордаги оятларни кироат қилиш афзал ҳисобланади;
- Шом намозида Баййина сурасидан Куръон охиригача бўлган суралардан ёки шу микдордаги оятларни кироат қилиш афзал ҳисобланади;
- Хар бир ракъатда битта сурани тўлиқ ўқиш афзал ҳисобланади.

Албатта, ушбу афзалликлар оддий ҳолат эътиборидан айтилган. Имом кироатни узун ё қиска қилишда жамоатга тааллуқли турли омилларни эътиборга олиши лозим бўлади.

Намозда Куръонни хатм қилиш

«Валвалижия» китобида айтилишича, кимки Куръонни намозда хатм қилса, биринчи ракъатга «муъаввизатайн»ларни ўқиб бўлганидан сўнг рукуъ қилади сўнгра иккинчи ракъатда Фотиха сурасини ва Бакара сурасидан бир оз ўқиб кўяди. Чунки Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда: «Аллоҳга амалнинг яхшиси тугаллаб бошлагувчи (нинг амали)дир», дейилган. Уламолар бу сўздан Куръонни хатм қилиши билан яна бошидан бошлагувчи назарда тутилган, деганлар.

Аллоҳ таолодан ўқиётган намозларимизни дунёда фахш ва мункар ишлардан қайтарадиган, охиратда фойдамизга хужжат бўладиган амаллардан қилишини сўраймиз.

Оламлар Роббисига ҳамду санолар, Пайгамбаримиз Мухаммад мустафога салавот ва саломлар бўлсин!

Абдулқодир Абдур Рахим